



**БОЛАЛАРДА ТУГМА БУЙРАК ДИСТОПИЯСИ КАСАЛЛИГИ ВА УЛАРНИ
ДАВОЛАШДА КУЛЛАНИЛГАН ЖАРРОХЛИК УСУЛЛАРИ ВА
АМАЛИЕТЛАРИНИНГ НАТИЖАВИЙ ТАХЛИЛЛАРИ**



Курбанов Тукташ Алимович
Термиз иктисодиёт ва Сервис университети «Терапевтик фанлар кафедраси» дотценти
тиб.фан.номзоди
tuktash.kurbanov@tues.uz
<https://orcid.org/0009-0004-4094-3625>



Каттабоева Мухайё Нурмухаммад кизи
Термиз иктисодиёт ва Сервис университети «Терапевтик фанлар кафедраси»
ассистенти
muhayyo.kattaboyeva@tues.uz
<https://orcid.org/0009-0005-7146-1255>

Тадкикод максоди: Болалар тугма буйрак дистопиясида ушбу аномалия диагностикаси услубларини ҳамда рационал жаррохлик тактикасини яратиш

Мавзунинг долзарблиги Ушбу мақолада аномал ва дистопик жойлашган органнинг узига хос белгиларини, болалар тугма дистопиясида мазкур органнинг морфологик тузилишини урганиш, ушбу ҳолатда бемор болаларда кечадиган клиник симптомлар тарғиб қилиш, тугма дистопиясининг ҳар бир турлари бўйича жаррохлик тактикалари ишлаб чиқиш, ҳамда утқазилган амалиётларнинг натижасини таҳлил қилиб чиқиш каби муҳим проблемалар масаланинг актуаллигидан далолат беради.

Текширилиш усуллари ва материаллари: Болалар жаррохлиги кафедраси клиник базаларида тугма буйрак аномалиялари айнан буйрак дистопиялари билан 1 ешдан 14 ешгача булган 108 бемор кузатилди (уғил болалар-40, киз болалар-68). Гомолатерал дистопиялар 96 нафар, гетеролатерал дистопия эса 12 нафар болада аниқланди.



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI JANUBIY OROLBO'YI TIBBIYOT JURNALI

2 - TOM, MAXSUS SON. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

Ушбу тугма аномалияга эга булган беморларда: даврий уткир хуружли корин сохасида огрик(бу холатда айнан корин парда китигланиши симптломларининг булмаслиги), корин бушлигида бир оз огрикли усмасимон ет жисмнинг пайпасланиши, даврий рецидив кечувчи характерга эга булган «пиелонефрит» белгилари, хамда бу хуруж пайтларида коринда ва танада уткир яллигланиш белгиларининг кузатилмаслик холатлари ва бошка холатлар ушбу тугма аномалияга эга булган беморларга хос симптломлар хисобланди.

Рентгенологик ва радиоизотоп текширувлар , ултратовушли муолажалар болаларда буйрак дистопиясини аниклашда ва аник тасшислар куйишда мухим рол уйнади. Охирги пайтларда биз ултратовуш текширувларга купрок этибор бердик ва бу усул касалликни аниклашда мухим рол уйнади. Айнан шу текширув ердамида аномал дитстопик буйракнинг жойлашув- локализациясини, унинг улчамини, аномал орган жомининг сатхи ва буйрак паренхимаси холатини аниклашда мухим рол уйнади. Юкорида кайд этилган барча текширув усуллари вена оркали контраст юбориб утказилган урография билан бирга олиб борилди.

Буйрак дистопиясида: гидронефроз аломатлари, сурункали рецедив кечувчи пиелонефрит (агар ушбу аномалия сабабли уродинамиканинг жиддий бузилиши асоратлари мавжуд булганда), ренал гипертензия , даврий уткир огрик синдромлари ва аномал органнинг экскретор функцияси йук деб хулоса килинган холатлари мазкур беморларда жаррохлик амалиетлари утказиш учун курсатма деб хисобланди.

Бизнинг кузатувимиздаги тугма буйрак дистопияси билан мавжуд 108 боладан 60 тасида жаррохлик амалиетлари утказилди. Жумладан 34 та беморда органни (буйракни) «саклаб колувчи» жаррохлик амалиетлари утказилди (10 беморда нефропексия уретеролиз билан , 7 беморда нефропексия аномал артериянинг резекцияси билан, 7 беморда нефропексия пиелоуретерал сегментнинг пластикаси билан, 1 беморда нефропексия ягона аномал буйрак травматик ерилишини шошилишч равишда тикиш билан, 1 беморда нефропексия аномал кон томирли буйрак резекцияси билан, 1 беморда ягона аномал дистоприяли буйрак сийдик йули резекцияси ва реимплантацияси хамда сийдик копи дивертикулин олиб ташлаш билан, 1 беморда дистопик буйракнинг ерилишини тикиш билан, 1 беморда Стюерта операцияси утказилди, 1 беморда-Грегуар операцияси бажарилди, 1 беморда орка уретранинг клапанини олиб ташлаш амалиети утказилди, 3 беморда пиелолитотомия жаррохлик амалиетлари утказилди (таблица №1).

Таблица № 1

Бемор еши Жаррохлик амалиети турлари	1-3	4-6	7-9	10-14	жами
1. 1.Нефропексия+ аномал артерия резекцияси		1			1
2. Нефропексия+уретеролизис	2	2	-	6	10
3. Нефропексия+ПУС пластикаси	-	1	5	1	7
4. Нефропексия	-	1	2	1	4
5. Стюерта амалиети	-	-	-	1	1
6. Нефропексия+буйрак поюси резекцияси	-	-	-	1	1
7. Грегуар амалиети	-	-	-	1	1
8. Антирефлюкс амалиети	1	-	-	1	2
9. Сийдик йули реимплантацияси	-	-	-	1	1
10. Орка уретра клапанини олиш амалети	-	-	1	-	1
11. Пиелолитотомия	-	-	-	3	3



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI JANUBIY OROLBO'YI TIBBIYOT JURNALI

2 - TOM, MAXSUS SON. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

12. Ягона функцияга эга дистопик буйрак травмасини тикиш амалиети	-	-	-	2	2
13 нефрэктомия	2	7	8	9	26
жами	5	12	16	27	60

Тугма аномал дистопик органнинг ута атипик нокулай жойлашиши ва унинг хар хил даражада аномал кон томирлар билан таъминланиши ҳолатлари юқоридаги юксак технологиядаги мураккаб амалиетларни утказишимизга тугри келди

26 нафар беморда нефрэктомия жаррохлик амалиети утказилди. Болалардаги дистопик буйракларнинг тугма аномал тузилиши, уларнинг атипик нокулай ҳолатда жойлашиши, аномал орган функциясининг бузилиши, аномал орган гисто-морфологик жихатдан ривожланмаганлиги ҳамда дистопик буйрак экссекретор функциясининг кузатилмаслиги ҳолатлари «органни йукотувчи» жаррохлик амалиетларини утказишга тугри келганлигини изохлайди. Аномал буйрак атипик жойлашуви канчалик паст булса шунчалик аномал органнинг парок белгилари ривожланган булиб айнан шу ҳолатлар купрок «органни йукотувчи» амалиетларга олиб келди.

Бизнинг кузатувимиздаги 27 рафар беморда утказилган ажаррохлик амалиетларидан кейинги препаратларда дистопик жойлашувда булган органларнинг гисто-морфологик тузилишлари урганилди. Текшириш натижалари шуни курсатдики, дистопик орган канчалик гавданинг паст кисмида жойлашган сари аномал органнинг паренхимасининг дисплазия даражаси шунча юқори булишини курсатди. Кузатувимиздаги беморларнинг 53 нафарида узок муддатли натижалари урганилди жумладан шулардан 47 нафар беморда яхши натижалар аникланди.

Мукаддима: Юқоридаги кузатувлардан келиб чикиб, болаларда буйрак дистопияси буйича утказилган жаррохлик амалиетларидан кейинги олинган яхши натижалари, жаррохлик амалиетининг ута радикаллигига, амалиетга тугри курсатмалар куйишга ва жаррохлик амалиетининг тугри ва аник мукамал бажарилишига боглик эканлигини изохлайди.

Болаларда буйрак дистопиясининг бел ва бикин сохаси жойлашувида кулланилган жаррохлик амалиетлари (реконструктив амалиетлар нефропексия +уретеролизис, нефропексия+аномал кон томир резекцияси, Аномал буйрак резекцияси, ПУС пластикаси) амалиетлари яхши натижалар берди.Тугма буйрак дистопиясининг таз ва карама-карши жойлашуви формаларида эса буйрак гисто-морфологик жихатдан ривожланмаганлигини туфайли нефрэктомия жаррохлик амалиети , ҳамда ягона функцияга эга ягона дистопик буйрак буйича эса бир марталик коррекцияловчи жаррохлик амалиетлари яхши натижа берди.

Бизларнинг кузатувимиз ва текширувимизгача юз берган жаррохлик огир асоратлар нохуш ва емон натижалар уша даврда йул куйилган техник хатолар, вактида жаррохлик амалиетига курсатмалар куйилмаганлиги, ҳамда пластик - реконструктив операциялар утказилмаганлиги, ҳамда жаррохлик амалиетининг радикаллигининг мутлоко етишмаганлиги ва бошка сабаблардан деб бахоласа булади. Мазкур кузатилган беморлардаги олинган етарли яхши натижалар (53 нафар бемордан 47 нафари яхши натижа) бизнинг утказган жаррохлик амалиетларимиз ва утказган тактикамизнинг тугри эканлигини курсатади

Хулоса: 1.Болалар буйрак дистопиясида: гидронефроз , даврий уткир хуружли корин огриги, ренал гипертония, сурункали рецедив кечувчи пиелонефрит, аномал органнинг экскретор функциясининг йуклиги жаррохлик амалиети утказишга курсатма була олади.

2. Болаларда тугма буйрак дистопиясининг тури, характери, ундаги аномал кон томирларнинг мавжудлиги, органнинг нотугри жойлашуви натижасида юз берган асоратлар утказилаётган жаррохлик амалиетларини индивидуал равишда куллашга сабаб булади



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI

2 - TOM, MAXSUS SON. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

3. Болалардаги тугма дистопик буйракнинг экскретор функциясининг йуклиги, унинг тугма анатомик, функционал ва исто-морфологик ривожланмаганлиги факат иккинчи буйрак функцияси яхши булгандагина нефрэктомия жаррохлик амалиети утказишга курсатма була олади.

4. Болалар буйрак дистопиясининг бел соха турида бел сохадан кесиш , бел-бикин соха жойлашувида эса бикин-чов соха кесмаси, чанок ва карама-карши жойлашув турида эса пастки урта корин парда орти кесма усуллари жаррохлик амалиетлари утказишнинг энг кулай усуллари деб хисобланди.

Адабиетлар:

1. Курбанов Т.А «Болаларда буйрак дистопия касаллиги».
2. Осипов И.Б Курбанов Т».Болаларда буйрак дистопиясининг клиник кечиши».
3. Баиров Г.А , Осипов И.Б , Головки Ю.И, Курбанов Т.А « Болалар буйрак дистопиясида жаррохлик амалиетлари «
4. КурбановТ.А , Осипов И.Б « дистопия касаллигида утказилган жаррохлик амалиетлари натижалари».
5. Державин В.М., Казанская И.В., Вишневская Е.Л., Гусев Б.С. Диагностика урологических заболеваний у детей. – М.: Медицина. – 1984. – с.84-147.
6. Игнатова М.С., Вельтищев Ю.Е о значении наследственных и тератогенных факторов при почечной патологии // Сов.медицина. – 1980. – №6. – с.27-33.
7. Axmann K., Cernusakova V. Sonograficky diagnostikovane sakralni distopie diskoidni ledviny // cesk.Radiol. – 1984. – v. 38. №3. – p. 212-215
8. Barry M., Brenner M.D. The Kidney. – Vol.1. – Philadelphia: W.C. Saunders Company, 1976. – 762p.